

2024 йилги ДВ савдоси  
(миқдор жиҳатидан)

\$1,67 млрд

2024 йилги ДВ савдоси  
(қиймат бўйича)

764,3 млн

Қадоқнинг ўртача  
нархи

\$1,9

Апрель

# PHARMAZETA

NIKA PHARM ▶

Фармацевтик даракчи

НАВБАТДАГИ  
СОНЛАРНИ  
"ASKLEPIY GROUP"  
ТИББИЁТ  
ВАКИЛЛАРИДАН  
СЎРАНГ

Апрель 2025 й.

ЎЗБЕКИСТОН ФАРМАЦЕВТИКА БОЗОРИДА ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСИШ: ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАР ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАР (2-4 БЕТ) ЎЗБЕКИСТОН ФАРМАЦЕВТИКА БОЗОРИ, 2024 ЙИЛ (6-8 БЕТ) ШАМОЛЛАШДА ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ТЎҒРИ МАСЛАҲАТ БЕРИШ ВА ХАТО ҚИЛМАСЛИК МУМКИН (10-11 БЕТ) БОШ ОҒРИҒИ ВА УНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ (12-13 БЕТ) АЛЛЕРГИЯ – АЛЛАҚАЧОН ШУ ЕРДА: БЕМОРЛАРГА МАВСУМНИ КЎЗ ЁШЛАРСИЗ ВА ҚИЧИШИШСИЗ ЎТКАЗИШГА ҚАНДАЙ ЁРДАМ БЕРИШ МУМКИН (14 БЕТ) ПРОТОН ПОМПАСИ ИНГИБИТОРЛАРИ: ЖИҒИЛДОН ҚАЙНАШИНИ ДАВОЛАШ ҲАҚИДА БИЛИШ КЕРАК БЎЛГАН БАРЧА МАЪЛУМОТЛАР (15-16 БЕТ) ИЧАК ТАЪСИРЛАНИШ СИНДРОМИ. НОЗИК МУАММО ҲАҚИДА БАТАФСИЛ (17 БЕТ) ЮРАК ИШЕМИК КАСАЛЛИГИ БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРНИ МАҚСАДЛИ ДАВОЛАШ (18-19 БЕТ) ИШОНЧ ЙЎЛИ (20-21 БЕТ) ДОРИХОНА МУҲИТИДАГИ ЗУМЕРЛАР: ИННОВАЦИЯЛАР ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИСИ ЁКИ ЖАМОА УЧУН ҚИЙИНЧИЛИКЛАРМИ? (22 БЕТ)

## ЎЗБЕКИСТОН ФАРМАЦЕВТИКА

бозорида импорт  
ўрнини босиш:

янги имкониятлар  
ва асосий тенденциялар

 **ASKLEPIY**  
Group

## СУҲБАТ

# Ўзбекистон фармацевтика бозорида импорт ўрнини босиш: янги истиқболлар ва асосий йўналишлар

Сўнги йилларда, Ўзбекистон фармацевтика саноати жадал ривожланиш даврини бошдан кечирмоқда. Импорт ўрнини босиш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш масалалари стратегик аҳамият касб этди. Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, замонавий технологияларга сармоя киритиш ҳамда дори воситалари сифатига қўйиладиган талабларни кучайтиришга қаратилган давлат дастурлари фармацевтика бозорининг янги воқелигини шакллантираётир. Бугунги кунда фармацевтика бозоридаги ҳақиқий вазият қандай? Импорт ўрнини босиш сиёсати қандай имкониятларни очиб бермоқда? Жорий ўзгаришларга қандай мослашиш ва янги шароитларда муваффақиятли рақобатлашиш мумкин? Бу ва шу каби бошқа кўплаб масалалар ҳақида ASKLEPIY Group бош директори Анвар Толибов сўзлаб берди.

Екатерина Доронкина



**Импорт ўрнини босиш нуқтаи назаридан Ўзбекистон фармацевтика бозорининг ҳозирги ҳолатини қандай баҳолайсиз?**

Ўзбекистон фармацевтика бозори импорт ўрнини босиш дастури доирасида жадал ривожланишни намойиш этмоқда. Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, соҳага инвестициялар киритиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ассортиментини кенгайтириш ўсиш учун қулай

шароит яратмоқда. Бироқ, импорт ўрнини босишнинг амалдаги суръатлари ҳозирча эълон қилинган режалардан орқада қолмоқда.

Маҳаллий фармацевтика ишлаб чиқарувчилари дуч келаётган асосий муаммолар орасида бир нечта жиҳатларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- Мураккаб бюрократик тўсиқлар ва тартибга солиш жараёнлари. Европа GMP стандартларига риоя қилинган тақдирда ҳам, дори воситаларини рўйхат-

дан ўтказиш ва сертификатлаш жараёни анча вақт талаб этади.

- Давлат харидлари тизимининг шаффоф эмаслиги. Аниқ ва башорат қилиш мумкин бўлган механизмларнинг йўқлиги узок муддатли режалаштириш ва инвестицияларни жалб қилишни мураккаблаштиради.

- Замонавий технологиялардан фойдаланиш имкониятининг чекланганлиги. Бу маҳаллий маҳсулотларнинг ички ва ташқи бозордаги сифати ва рақобатбардошлигини пасайтиради.

- Молиялаштиришдаги қийинчиликлар. Банк ставкаларининг юқорилиги ва инвестицияларни жалб қилиш механизмларининг етишмаслиги соҳа ривожига тўсқинлик қилмоқда.

Ушбу қийинчиликларни самарали енгиб ўтиш учун бир қатор қадамларни амалга ошириш зарур:

- Тартибга солиш жараёнларини оптималлаштириш. Ишлаб чиқарувчиларни Европа GMP стандартига ўтишга ва янада илғор технологиялардан

фойдаланишга ундайдиган тезлаштирилган рўйхатдан ўтказиш тартибларини жорий этиш муҳимдир.

– Давлат харидлари тизимини ислоҳ қилиш. Шаффоф ва барқарор шартлар компанияларга ўз маҳсулотларига бўлган талабнинг барқарорлигини билган ҳолда, узоқ муддатли ривожланишни режалаштириш ва инвестицияларни жалб қилиш имконини беради.

– Технологик модернизацияни қўллаб-қувватлаш. Инновацияларга сармоя киритиш учун қулай шарт-шароитларни таъминлаш маҳаллий компанияларга нафақат миллий, балки халқаро миқёсда ҳам рақобатлашишга ёрдам беради.

Қулай инвестиция муҳитини яратиш. Тармоққа молиялаштиришни жалб қилишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш Ўзбекистон фармацевтика тармоғининг барқарор ўсишини таъминлайди.

Импорт ўрнини босиш Ўзбекистон учун стратегик устувор йўналиш ҳисобланади, бироқ уни муваффақиятли амалга ошириш учун давлат, бизнес ва инвестиция ҳамжамиятининг мувофиқлаштирилган саъй-ҳаракатлари талаб этилади.

**Ҳозирги кунда мамлакат фармацевтика бозори импортга қай даражада боғлиқ? Қайси сегментларда бу боғлиқлик энг кучлидир?**

Ўзбекистон фармацевтика бозори ҳамон деярли тўлиқ импортга қарамдир. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар у ёки бу даражада импорт хом ашёсидан фойдаланадилар: қадоқлаш, блистерлар ва бошқа ёрдамчи материаллар ҳам чет элдан харид қилинади. Шу билан бирга, ишлаб чиқаришнинг технологик мураккаблиги ва дори моддаси молекуласининг мураккаблиги ошиши билан бу боғлиқлик кучайиб боради. Бу эса юқори технологияли ечимлар ва махсус импорт материалларини қўллашни тақозо этади. Бундай вазият маҳсулот таннархини сезиларли даражада оширади ва кўпинча маҳаллий ишлаб чиқаришни ички бозор эҳтиёжларини қондириш учун рақобатга бардош бера олмайдиган ҳолатга келтиради.

**ASKLEPIY Group Ўзбекистонда маҳаллий фармацевтика ишлаб чиқаришини ривожлантиришда қандай роль ўйнайди?**

ASKLEPIY Group Ўзбекистонда маҳаллий фармацевтика ишлаб чиқаришини ривожлантиришда етакчи ўринни эгаллайди. 2024

йил якунларига кўра, IQVIA маълумотларига асосан, NIKA PHARM компанияси 19% бозор улуши билан маҳаллий ишлаб чиқарувчилар рўйхатида пешқадамлик қилди. Биз ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилишга фаол сармоя киритмоқдамиз, илғор технологияларни жорий этмоқдамиз ва сифат стандартларига қатъий риоя қилмоқдамиз.

**МАСАЛАН, NIKA PHARM – ЕВРОПА ИТТИФОҚИ GMP СТАНДАРТИГА МУВОФИҚЛИК СЕРТИФИКАТИНИ ОЛГАН МАМЛАКАТДАГИ ИККИТА МАҲАЛЛИЙ КОМПАНИЯДАН БИРИ БЎЛИБ, БУ ЮҚОРИ СИФАТ ДАРАЖАСИДАН ДАЛОЛАТ БЕРАДИ.**

Бундан ташқари, ASKLEPIY Group давлат тузилмалари билан фаол ҳамкорлик қилиб, қулай тартибга солиш муҳитини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди, шунингдек, мутахассисларнинг малакасини ошириш учун таълим ташаббусларини қўллаб-қувватлайди. Ушбу чора-тадбирлар нафақат импорт ўрнини босиш жараёнларини тезлаштиради, балки бошқа маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун намуна бўлиб ҳам хизмат қилади, инновацияларни ривожлантириш ва ички ҳамда ташқи бозорларда рақобатбардошликни оширишга кўмаклашади.

**ASKLEPIY Group импорт ўрнини босиш бўйича қандай асосий лойиҳаларни амалга оширмоқда ёки қўллаб-қувватламоқда?**

Ҳозирги пайтда ASKLEPIY Group да импорт ўрнини босиш бўйича асосий вазифани маҳаллий ишлаб чиқарувчи NIKA PHARM бажармоқда. Таъкидлаш жоизки, у фаолияти EU GMP халқаро стандартига тўлиқ мос келадиган мамлакатдаги ягона тўлиқ маҳаллий ишлаб чиқарувчидир. NIKA PHARM нинг маҳаллий ишлаб чиқарувчилар орасида 19% улуш билан етакчилик қилаётгани ҳам муҳим аҳамиятга эга.

**Маҳаллийлаштириш жараёнида қандай муаммоларга дуч келдингиз? Компания бу қийинчиликларни қандай енгиб ўтмоқда?**

NIKA PHARM дуч келадиган асосий қийинчиликлардан бири бу дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш жараёнининг узоқ давом этишидир. Халқаро стандартларга қатъий риоя қилинган ва барча зарур ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда ҳам, тартибга солувчи органлар билан кели-

шиш жараёни узоқ вақт талаб қилиши мумкин. Бу янги маҳсулотларни бозорга чиқаришни секинлаштиради ва стратегик режалаштириш ишларини мураккаблаштиради.

Ушбу жараёнларни тезлаштириш ва такомиллаштириш мақсадида Фармацевтика агентлиги билан доимий мулоқот олиб бормоқдамиз. Ишончимиз комилки, бизнес ва давлатнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан беморларнинг сифатли ва арзон дори воситаларидан тезкор фойдаланишини таъминлаш орқали маҳаллий фармацевтика ишлаб чиқариши учун янада қулай шарт-шароитлар яратишга эришамиз.

**Ўзбекистонда дори-дармон ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришда қандай қийинчиликлар мавжуд?**

Ўзбекистонда фармацевтика ишлаб чиқаришини маҳаллийлаштириш бир қатор омиллар билан боғлиқ. Асосийларини юқорида айтиб ўтдим, уларга фақат малакали кадрлар етишмаслигини қўшимча қилишим мумкин. Фармацевтика ишлаб чиқариши соҳасида мутахассислар ва тор соҳа экспертларининг етишмаслиги илғор технологияларни жорий этиш ва янги йўналишларни ривожлантиришда қўшимча қийинчиликлар туғдирмоқда.

Ушбу тўсиқни бартараф этиш учун давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, таълим дастурларини ривожлантириш ва халқаро шериклар билан фаол ҳамкорликни ўз ичига олган ҳар томонлама ёндашув ҳам зарур.

**Дори-дармон ишлаб чиқариш учун хомашё ва субстанцияларнинг мавжудлиги билан боғлиқ вазият қандай? Мамлакат компонентлар импортига қанчалик боғлиқ?**

Хомашёнинг деярли 100% Ўзбекистонга импорт қилинади. Маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш имконияти мавжуд бўлган БФҚ (биологик фаол қўшимча) лар ишлаб чиқариш бундан мустасно.

Хомашё масаласи Ўзбекистон учун тўлиқ ишлаб чиқариш цикли бўйича аҳолини ҳаётини муҳим препаратлар билан хавфсиз таъминлаш нуқтаи назаридан стратегик масала ҳисобланади.

Хорижий ишлаб чиқарувчилар билан рақобат қанчалик юқори ва бу маҳаллий фармацевтика саноати ривожига қандай таъсир кўрсатади?

Одатда, хорижий ишлаб

## СУҲБАТ

чиқарувчилар ўз маҳсулотларини сотиш ва маркетинг қилиш бўйича кўп йиллик тажрибага эга бўладилар, бошланғич даврда бюджетда чекловларга дуч келмайдилар ва шубҳасиз, улар билан рақобатлашиш қийинроқ. Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг аксарияти маҳсулот ишлаб чиқаришни бошлаш имкониятини топади, аммо зарур ахборот ёрдами ва тарғиботни таъминлай олмайди.

Шунингдек, дори воситаларини тан олиш асосида рўйхатдан ўтказиладиган импорт қилувчи ишлаб чиқарувчилар бозорга тезроқ ва арзонроқ кириш учун рағбатлантирилади. Бу маҳаллий ишлаб чиқарувчида янги маҳсулотни бозорга чиқариш жараёни тахминан 3 йил давом этишига олиб келади, бир қатор импорт қилувчи ишлаб чиқарувчилар учун эса бу жараён бир йилдан сал кўпроқ вақтни олади.



**Маҳаллий дори воситаларини ишлаб чиқаришда сертификатлаштириш ва сифат стандартлари билан боғлиқ қандай муаммолар мавжуд?**

Ўзбекистонда дори воситаларини сертификатлаш жараёни бир қатор қийинчиликларга дуч келмоқда. Биринчидан, завод ишлаб чиқаришда фойдаланмасам ҳам, USP ишчи стандартларини сўраш қўшимча бюрократик тўсиқларни келтириб чиқаради. Жараёнлар ҳолати ҳақида маълумот олиш қийин, шахсий учрашувлар тақиқлангани сабабли аниқлаштирувчи саволлар бериш имконсиз. Шунингдек, экспертларнинг ўзаро алмаштирилмаслиги ҳам муаммо ҳисобланади. Агар мутахассис таътилга ёки касаллик таътилига чиқса, сертификатлаш жараёни бир неча ҳафтага тўхтаб қолиши мумкин. Камчиликларни тузатишнинг қатъий муддатлари дори воситаларини ишлаб чиқаришга ҳам таъсир қилади.

Камчиликларни бартараф этиш учун 40 кун берилади, кейин жавоб бўлмаса, дори воситасини рўйхатдан ўтказиш ёки қайта рўйхатдан ўтказиш бекор қилинади. Бу айниқса узоқ вақт давомида такомиллаштиришни талаб қиладиган мураккаб препаратлар учун жуда муҳим. Шунингдек, рад этилган тақдирда рўйхатдан ўтказиш учун маблағлар қайтарилмаслиги ҳам муаммо. Ишлаб чиқарувчилар ҳатто эътирозларни мослашувчанроқ муддатларда тузатиш мумкин бўлган ҳолатларда ҳам молиявий йўқотишларга дучор бўлишади.



**Мамлакатда фармацевтика ишлаб чиқаришининг ривожланишига қандай молиявий механизмлар ва инвестиция воситалари кўмаклашиши мумкин?**

Фармацевтика ишлаб чиқаришининг ривожланишига давлат субсидиялари, банк хизматлари ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш каби бир қанча молиявий ва инвестицион воситалар ёрдам бериши мумкин. Масалан:

Давлат субсидиялари – имтиёзли кредитлар, солиқ имтиёзлари ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш дастурлари.

Банк хизматлари – узоқ муддатли кредитлар, лизинг, факторинг, аккредитивлар ва бошқа воситалар.

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш – халқаро молия ташкилотларидан тўғридан-тўғри молиялаштириш, халқаро фармацевтика компаниялари билан стратегик ҳамкорлик.



**Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун имтиёзли кредитлар, солиқ имтиёзлари ва бошқа давлат рағбатлари қандай аҳамиятга эга?**

Имтиёзли кредитлар, солиқ имтиёзлари ва давлат рағбатлари маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга молиявий юкни енгиллаштиради, уларнинг ривожланишига кўмаклашади. Қўлай кредитлар кенгайтириш ва модернизацияни молиялаштиради, солиқ имтиёзлари харажатларни камайтиради, субсидиялар ва давлат қўллаб-қувватлаши инновацияларни рағбатлантиради ва барқарор талабни таъминлайди. Бу, шубҳасиз, маҳаллий ишлаб чиқаришни мустаҳкамлайди ва импортга қарамликни камайтиради.



**Маҳаллий фармацевтика саноатини ривожлантиришда инновациялар, илмий ишланмалар ва янги технологияларни жорий этиш қандай роль ўйнайди?**

Инновациялар ва технологик ишланмалар ҳар қандай мамлакатда фармацевтика саноати ўсишининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Улар юқори қўшимча қийматга эга дори воситаларини маҳаллий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, сифатини йўқотмаган ҳолда импорт ўрнини босиш, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш, харажатларни камайтириш ва сифат назоратини кучайтириш имконини беради. Жаҳон стандартларига мувофиқ

бўлиш маҳсулот экспортини осонлаштиради. Бундан ташқари, улар импорт технологияларга муқобил яратган ҳолда маҳаллий илмий тадқиқотларни ривожлантириш имконини беради. Илғор технологиялар ва инновацияларни жорий этиш нафақат маҳаллий ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигини оширади, балки умуман фармацевтика соҳасининг барқарор ривожланишига ҳам ҳисса қўшади.



**5-10 йилдан кейин Ўзбекистон фармацевтика бозорини қандай тасаввур қиласиз? Қайси йўналишлар устувор бўлади?**

5-10 йилдан сўнг Ўзбекистон фармацевтика бозори маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босишга эътибор қаратган ҳолда янада рақобатбардош бўлиши шубҳасиз. Ривожланишнинг асосий устувор йўналишлари: маҳаллий ишлаб чиқаришга сармоя киритиш, халқаро технологияларни жалб қилиш, қувватларни модернизация қилиш, мутахассислар учун таълим дастурларини ривожлантириш, хорижий ҳамкорлар билан ҳамкорликни кучайтириш, ишлаб чиқариш ва тарқатишни бошқаришда рақамли технологияларни жорий этиш. Ушбу чора-тадбирлар импортга қарамликни камайтириш ва маҳаллий маҳсулотларнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш имконини беради.



**Импорт ўрнини босиш ва маҳаллийлаштириш нуқтаи назаридан ASKLEPIY Group ўз олдида қандай узоқ муддатли стратегик мақсадларни қўймоқда?**

ASKLEPIY Groupнинг асосий вазифаларидан бири нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда ҳам етакчи бўлишдир. ASKLEPIY Group ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш муҳимлигини англайди ва аҳоли томонидан энг кўп талаб қилинадиган дори-дармонлар тоифасида ўз ассортиментини кенгайтиришга интилади. Шунингдек, юқори сифат, халқаро стандартларга мувофиқлик ва республикамизнинг исталган бурчагида ҳамда ундан ташқарида сотиб олиш имконияти орқали жаҳон гигантларига муваффақиятли рақобат қила оладиган ва бозорда ўз улушини эгаллай оладиган брендларни шакллантириш устувор ва стратегик жиҳатдан муҳим вазифалардан биридир.

**БИЗ КЕЛАЖАКНИ  
ЯРАТМОҚДАМИЗ.  
ҲАҚҚОНИЙ. БИРГАЛИКДА.**

# ФИТОЧОЙ АНТИОКСИДАНТЛИ

Хужайраларни қаришдан ҳимоялаш



Токсинлар ва шлакларни камайтириш



Юкларларда қўллаб-қувватлаш



Янги ўсмаларни олдини олиш



## ФАРМАЦЕВТИКА БОЗОРИ ТАҲЛИЛИ


# Ўзбекистон фармацевтика бозори, 2024 йил

Ўзбекистон фармацевтика бозори 2024 йилда мураккаб иқтисодий шароитда ўзининг барқарорлиги ва мослашувчанлигини намойиш этди. Пул ифодасида 2,1% га ўсиш ва қимматроқ дори воситалари улушининг кўпайиши, харид қобилияти ва сифатли дори воситаларига бўлган ишончининг ошганидан далолат беради. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар давлат кўмаги туфайли ўз мавқеини мустаҳкамлашда давом этмоқда, халқаро брендлар эса юқори рақобатбардошликни сақлаб қолмоқда. Ушбу ижобий ўзгаришлар бозорни ривожлантириш ва аҳоли учун замонавий дори-дармонларнинг ҳамёнбоплигини яхшилаш учун янги имкониятлар яратмоқда. Мақолада соҳанинг асосий ютуқлари, тенденциялари ва истиқболларини батафсил кўриб чиқамиз.


Алексей Ковалевич

### Ўзбекистон фармацевтика бозори ҳажми

Графикларда 2024 йил учун Ўзбекистон бозори ҳажмининг динамикаси (1-диаграмма) миллион АҚШ доллари (2-диаграмма) ва қадоқларда кўрсатилган.



1-диаграмма



2-диаграмма

IQVIA фармацевтика бозорининг ойлик чакана аудити маълумотларига кўра, 2024 йилда бозор ҳажми улгуржи нархларда 1,67 миллиард АҚШ долларига етди, умумий сотув ҳажми эса 764,3 миллион қадоқни ташкил этди. 2023 йилга нисбатан бозор сиғими 2,8% га ўсди, қадоқлардаги сотувлар ҳажми эса 13% га камайди.


2024 йилда битта қадоқ дори воситасининг ўртача нархи ўтган йилга нисбатан 21,5% га ошиб, 2,24 АҚШ долларини ташкил этди. Ушбу ўсиш талабнинг қимматроқ ва инновацион дори-дармонлар томон қайта тақсимланиши давом этаётганини, шунингдек, макроиқтисодий

омилларнинг фармацевтика бозорига таъсирини акс эттиради.

### Ўзбекистон бозори таркиби

#### 1. Турли нарх тоифаларидаги дори воситаларини истеъмол қилиш таркиби

Турли нарх тоифаларидаги дори воситаларини (қадоқларда) истеъмол қилиш динамикаси 3-графикда акс эттирилган.



3-график


График маълумотлари шуни кўрсатадики, дори воситалари бозори тузилмаси 1 АҚШ долларидан қимматроқ дори воситалари фойдасига ўзгарган. Шу билан бирга, препаратлар сотувнинг катта қисмини сақлаб қолмоқда - ўртача нархи ҳар бир қадоқ учун 0,40 АҚШ доллари бўлган қадоқлардаги бозор улуши 56,2% ташкил этади.

Қадоқлардаги бозор улуши бўйича иккинчи ўринда турувчи "1 дан 5 АҚШ долларигача" гуруҳи 2024 йилда 32,8% га кўтарилди. Ушбу гуруҳ дори воситаларининг ўртача тортилган нархи 2,59 АҚШ долларини ташкил этди.

Шуни таъкидлаш жоизки, нархнинг ойлик ўсиши -1% дан +1% гача хатолик чегарасида. Бинобарин, барча тоифалар бўйича ўртача нарх барқарорлашди ва бир хил даражада сақланиб қолмоқда.

#### 2. Импорт ва маҳаллий дори препаратларининг нисбати

Импорт ва маҳаллий дори воситаларининг дорихона савдоси ҳажмининг ўзаро нисбати 4-графикда келтирилган.




4-график

2024 йилда маҳаллийлаштириш даражаси бўйича сотувлар тақсимоти ўтган йилнинг шу даврига нисбатан Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган препаратлар фойдасига ўзгарди ва пул ифодасида 12%, қадоқларда эса 40% ни ташкил этди. Умуман олганда, ўсиш у қадар сезиларли эмас ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги даражасидаги прогнозларга тўлиқ мос келмайди, аммо 2025 йилда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар улушини оширишга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилиши кутилмоқда.

#### 3. Рецепт бўйича ва рецептсиз бериладиган дори воситаларининг нисбати

5-графикда Ўзбекистонда рецепт билан ва рецептсиз бериладиган дори воситаларининг дорихона сотуви ҳажмининг нисбати акс эттирилган.



5-график

Пул эквивалентида рецепт бўйича бериладиган дори воситалари энг катта улушни эгаллайди - бозор улуши сезиларли даражада ўзгармаган ҳолда 68% га ташкил этади. Истеъмолнинг табиий ҳажмига келсак, таъминот турига қараб дори воситалари ўртасидаги улушлар тақсимоти Rx-препаратлар фойдасига ўзгарди - қадоқлардаги улуш 3,6% га ошди, натижада улар бозорнинг 64%, OTC воситалари эса 36% ни эгаллади.

## ФАРМАЦЕВТИКА БОЗОРИ ТАҲЛИЛИ

### 4. АТС-гуруҳлари бўйича дори воситаларини сотиш таркиби

Ўзбекистонда 2024 йилда I даражали АТС-гуруҳлари бўйича дорихоналарда дори воситаларини сотиш нисбати 1-жадвалда келтирилган.

Таҳлил қилинаётган даврда АТС-гуруҳларининг рейтингдаги ўрни қадоқларда ҳам, пул ифодасида ҳам бироз ўзгарди. 2024 йил якунига қўра, дори воситалари тижорат бозорининг қиймат ҳажмидаги энг катта улуш (16,3%) анъанавий равишда АТС-А гуруҳи – "ОВҚАТ ҲАЗМ ҚИЛИШ ЙЎЛИ ВА МОДДАЛАР АЛМАШИНУВИ" препаратларига тўғри келади. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ушбу гуруҳнинг умумий бозордаги улуши 0,4 % га камайди, сотувлар ҳажми эса 0,7% га пасайди.

[А] гуруҳининг етакчилари: "Энтерожермина" ва "Магне Б6".

### Дори воситалари ишлаб чиқарувчилар орасида етакчилар

Ўтган йил якунларига қўра, дорихоналар томонидан 11085 та фармацевтика корпорациялари томонидан ишлаб чиқарилган дори воситалари сотилган, бу ўтган йилга нисбатан 538 та компанияга кам. Шу билан бирга, АҚШ долларидagi сотувларнинг 80% 97 та корпорация томонидан амалга оширилади (умумий миқдорнинг 1%).

ТОП-10 компаниялар умумий бозорнинг 27,2 % ни ташкил этади, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 % га кўпдир.

Пул кўринишида 18,3 %лик ўсишни қайд этган KRKA компанияси бозорда етакчиликни сақлаб қолмоқда. Бу ўсишга асосий ҳисса юрак-қон томир тизими (АТХ1 - С) ва овқат ҳазм қилиш тизими ҳамда моддалар алмашинуви (АТХ1 - А) тоифаларидаги дорилар қўшган.

Компаниянинг энг кўп талаб қилинадиган ўнта молекуласига қуйидагилар киради:

-бензидаминсетилпиридиний хлорид ("Септолете"), амлодипин-периндоприл ("Амлесса"), валсартан-амлодипин ("Валодип"), пантопрозол ("Нолпаза"), лозартан ("Лориста"), амлодипин-периндоприл-индапамид ("Амлесса"), розувастатин ("Роксе-ра"), лозартан-амлодипин ("Лор-тенза"), клопидогрел ("Зилт") ва амокситсиллин.

Иккинчи ўринда 8% салбий динамика кўрсатган World Medicine компанияси турибди. Компаниянинг энг кўп сотиладиган препаратлари орасида "Ферсинол" (темир препаратлари ва уларнинг комбинациялари), "Неладекс" (полимиксин Б-неомитсин-дексаметазон ва дексаметазон-неомитсин-фенилефрин-полимиксин Б), шунингдек "Мускомед" (тиоколхикозид) мавжуд.

Етакчи учликни 13,0% ўсиш билан MENARINI компанияси якунламоқда. Компаниянинг асосий маҳсулотлари қаторига "Нимесил" (нимесулид), "Небилет" (небиволол) ва Бромгексин Берлин-Хеми (бромгексин) киради.

ларнинг ўзгариши 3-жадвалда келтирилган.

### 2024 йилнинг ТОП 20 ишлаб чиқарувчилари

№	Corporation	2024			2023	
		USD улғуржи савдо суммаси	USD улғуржи савдо рейтинг	USD улғуржи савдо рейтингининг ўзгариши	USD улғуржи савдо суммаси	USD улғуржи савдо рейтинг
	Общий рынок:	1 667 081 438			1 623 701 555	
	Жами:	1 667 081 438			1 623 701 555	
1	KRKA	67 266 607	1	+ 1	56 863 954	2
2	WORLD MEDICINE	60 507 010	2	- 1	65 767 938	1
3	MENARINI	48 527 874	3	+ 1	42 937 510	4
4	SANOFI	46 395 839	4	- 1	46 945 831	3
5	FARMAK KIEV	44 599 867	5	-	39 818 174	5
6	GEDEON RICHTER	41 711 612	6	+ 9	28 133 292	15
7	NIKA-PHARM	38 499 461	7	-	37 154 445	7
8	RADIKS NPP	38 000 954	8	+ 5	30 709 231	13
9	ABBOTT	36 928 193	9	-	35 147 411	9
10	ARTERIUM	35 768 103	10	+ 7	24 886 826	17
11	JURABEK LAB	35 737 091	11	- 1	34 955 041	10
12	GM PHARMACEUTICALS	35 298 401	12	- 6	37 766 407	6
13	NOBEL ILAC SAN TUR	32 328 705	13	- 5	35 553 935	8
14	YURIA-FARM	30 510 176	14	- 3	32 911 943	11
15	STADA	29 639 717	15	+ 3	22 694 970	18
16	SANDOZ	28 325 843	16	- 2	30 217 054	14
17	POLPHARM A SA	27 387 422	17	- 1	26 883 522	16
18	KUSUM HEALTHCARE	25 026 769	18	+ 1	22 191 756	19
19	BAYER HEALTHCARE	21 034 936	19	+ 1	21 545 834	20
20	DENTAFILL PLYUS	19 718 145	20	+ 2	18 063 198	22

3-жадвал

### Маҳаллий дори воситалари ишлаб чиқарувчилари орасидаги етакчилар

Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар орасида сотувларнинг 54 % ни урта етакчи компания таъминлайди: NIKA PHARM (+3,6%), JURABEK LAB (+2,2%) ва RADIKS (+23,6%).

Ўнта йирик маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг умумий улуши маҳаллий бозорнинг бутун сегментида 83,6 % ни ташкил этади, бу ўтган йилга нисбатан 8,1 фоиз кўпдир. Бироқ, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг бозор таркибидаги умумий улуши деярли ўзгаришсиз қолиб, атиги 0,2 фоизга ошиб, 12,4 % ни ташкил этди. Бу прогноз кўрсаткичларидан анча паст.

млн Қадоқ				млн USD			
2024	Ўсиш қадоқ	MS, %, қадоқлар	Ўсиш MS, % қадоқлар	2024	Ўсиш, USD	MS, %, USD	Ўсиш MS, % USD
21,48	-2,4%	2,8%	0,3%	52,70	1,1%	3,2%	-0,1%
99,01	-17,4%	13,0%	-0,7%	271,78	0,2%	16,3%	-0,4%
143,73	15,3%	18,8%	4,6%	214,45	-1,4%	12,9%	-0,5%
35,00	-7,5%	4,6%	0,3%	161,77	11,1%	9,7%	0,7%
76,20	-16,6%	10,0%	-0,4%	47,58	4,0%	2,9%	0,0%
16,55	-6,3%	2,2%	0,2%	79,34	8,6%	4,8%	0,3%
8,28	-3,7%	1,1%	0,1%	19,80	-7,7%	1,2%	-0,1%
131,94	-23,4%	17,3%	-2,3%	224,87	7,4%	13,5%	0,6%
10,10	-3,5%	1,3%	0,1%	69,67	-4,4%	4,2%	-0,3%
46,38	2,3%	6,1%	0,9%	163,76	-5,4%	9,8%	-0,8%
79,29	-35,8%	10,4%	-3,7%	158,71	0,2%	9,5%	-0,2%
3,90	-13,1%	0,5%	0,0%	5,69	0,3%	0,3%	0,0%
79,28	-9,1%	10,4%	0,5%	152,88	9,2%	9,2%	0,5%
10,95	0,6%	1,4%	0,2%	27,54	27,3%	1,7%	0,3%
2,23	-19,8%	0,3%	0,0%	17,92	10,4%	1,1%	0,1%
<b>итог</b>	<b>764,32</b>	<b>-13,0%</b>	<b>100,0%</b>	<b>1 668,45</b>	<b>2,8%</b>	<b>100,0%</b>	

1-жадвал

### ТОП-10 КОМПАНИЯЛАР УМУМИЙ БОЗОРНИНГ 27,2 % НИ ТАШКИЛ ЭТАДИ, БУ ЎТГАН ЙИЛНИНГ ШУ ДАВРИГА НИСБАТАН 1,5 % ГА КЎПДИР.

	USD				Ўсиш, %	
	2 023	2 023	2 024	20 243		
1	KRKA	56 863 954	3,50%	67 266 607	4,03%	18,3%
2	WORLD MEDICINE	65 767 938	4,05%	60 507 010	3,63%	-8,0%
3	MENARINI	42 937 510	2,64%	48 527 874	2,91%	13,0%
4	SANOFI	46 945 831	2,89%	46 395 839	2,78%	-1,2%
5	FARMAK KIEV	39 818 174	2,45%	44 599 867	2,67%	12,0%
6	GEDEON RICHTER	28 133 292	1,73%	41 711 612	2,50%	48,3%
7	NIKA PHARM	37 154 445	2,29%	38 499 461	2,31%	3,6%
8	RADIKS NPP	30 739 889	1,89%	38 000 954	2,28%	23,6%
9	ABBOTT	35 147 411	2,16%	36 928 193	2,21%	5,1%
10	ARTERIUM	24 886 826	1,53%	35 768 103	2,14%	43,7%
	ЖАМИ ТОП 10	408 395 271	25,2%	458 205 521	27,5%	12,2%
	Умумий якун	1 623 732 214	100,00%	1 668 453 008	100,00%	2,75%

2-жадвал

### ПУЛ КЎРИНИШИДАГИ ЎНТА ЭНГ ЙИРИК ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ОРАСИДА 7-8-ЎРИНЛАРНИ ЭГАЛЛАГАН УРТА МАҲАЛЛИЙ КОМПАНИЯ МАВЖУД: NIKA PHARM VA RADIKS.

JURABEK LAB компанияси 2024 йил якунлари бўйича 11-ўринни эгаллаб турибди. 2024 йилда 2023 йилга нисбатан ТОП ишлаб чиқарувчи-

USD					Ўсиш, %	
	2023	MS 2023	2024	MS 2024		
1	NIKA-PHARM	37 154 445	18,81%	38 499 461	18,61%	3,6%
2	RADIKS NPP	30 739 889	15,56%	38 000 954	18,37%	23,6%
3	JURABEK LAB	34 955 041	17,70%	35 737 091	17,28%	2,2%
4	DENTAFILL PLYUS	18 063 198	9,15%	19 718 145	9,53%	9,2%
5	RIVER MED FARM	6 511 378	3,30%	12 900 064	6,24%	98,1%
6	SAMARKAND-ENGL&ECO	5 708 730	2,89%	7 793 568	3,77%	36,5%
7	TEMUR MED FARM	9 059 822	4,59%	6 318 251	3,05%	-30,3%
8	NAVBAHOR SANOAT	3 258 619	1,65%	5 631 664	2,72%	72,8%
9	BAYAN MEDICAL	2 853 560	1,44%	4 358 176	2,11%	52,7%
10	NOVA PHARM	814 623	0,41%	3 994 517	1,93%	390,4%
	ЖАМИ ТОП 10	149 119 305	75,5%	172 951 890	83,6%	16,0%
	маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг умумий натижаси	197 500 744	100,00%	206 849 840	100,00%	4,73%
	маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг улуши	12,2%		12,4%		
	Умумий бозор	1 623 732 214	100,00%	1 668 453 008	100,00%	2,75%

4-жадвал

## ФАРМАЦЕВТИКА БОЗОРИ ТАҲЛИЛИ

№	Corporation	2024			2023	
		USD улгуржи савдо суммаси	USD улгуржи савдо рейтингини	USD улгуржи савдо рейтингининг ўзгариши	USD улгуржи савдо суммаси	USD улгуржи савдо рейтингини
Умумий бозор		1 667 081 438			1 623 701 555	
Жами:		206 849 840			197 470 086	
1	NIKA PHARM	38 499 461	1	-	37 154 445	1
2	RADIKS NPP	38 000 954	2	+1	30 709 231	3
3	JURABEK LAB	35 737 091	3	-1	34 955 041	2
4	DENTAFILL PLYUS	19 718 145	4	-	18 063 198	4
5	RIVER MED FARM	12 900 064	5	+1	6 511 378	6
6	SAMARKAND-ENGLAECO	7 793 568	6	+2	5 708 730	8
7	TEMUR MED FARM	6 318 251	7	-2	9 059 822	5
8	NAVBAHOR SANOAT BAYAN MEDICAL	5 631 664	8	+2	3 258 619	10
9	NOVA PHARM	4 358 176	9	+4	2 853 560	13
10	MEBRYMED FARM	3 994 517	10	+17	814 623	27
11	PHARMACOM MEDICINE	2 915 746	12	-3	3 346 130	9
12	ZIYO NUR FARM	2 670 169	13	-1	3 219 693	12
13	ASIA IMMUNOPREP	2 036 012	14	+3	1 671 552	17
14	LEKINTERKAP S LTD	1 524 832	15	-	1 727 210	15
15	MEDFLORA	1 414 258	16	-	1 714 545	16
16	PHARMAXX INT.	1 190 301	17	+3	1 073 104	20
17	ASEPTICA OOO	1 090 282	18	+3	1 048 955	21
18	ZAMONA RANO UZ	890 245	19	+4	990 264	23
19	REMEDY GROUP	828 669	20	+2	993 463	22

5-жадвал

JURABEK LAB ва RADIKS ишлаб чиқарувчиларида ўртача қадоқлаш қиймати мос равишда 0,55 ва 0,44 АҚШ доллари, NIKA PHARM да эса ўртача қадоқлаш қиймати 4,52 АҚШ доллари бўлиб, бу деярли 10 баравар юқори. Бу шуни кўрсатадики, NIKA PHARM қадоқлашнинг максимал ўртача қиймати бўйича маҳаллий компаниялар орасида етакчи ҳисобланади, бу эса маҳсулотнинг энг юқори қўшилган қийматига билвосита ишора қилади.

Умуман олганда, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар бозорида деярли барча ишлаб чиқарувчиларнинг ўртача қадоқлаш нархи 1 АҚШ долларидан кам.

**JURABEK LABнинг ТОП-5 маҳсулотлари:** "НАТРИЙ ХЛОРИД" -7,4%, "ОРСА" +5,5%, "НОВОКАИН" +10,8%, "ГЛЮКОЗА-ЖУРАБЕК" +11,1%, "ДИМЕДРОЛ" +30,5%.

RADIKS нинг ТОП-5 маҳсулотлари: "ИЗОТОНИК" +94,7%, "ГЛЮКОЗА" +134,2%, "АСКОРБИН КИСЛОТА" -2,6%, "ЛЕВО-ФЛОКСАТСИН" -40,1%, "ЛОРИНГОСЕПТ" -12,3%.

**NIKA PHARMГА ТЕГИШЛИ БОЗОРДА 64% АҚШ ДОЛЛАРИ ВА 60% ҚАДОҚЛАШ УЛУШИ БИЛАН "РИНОКСИЛ" СОТУВЛАР БЎЙИЧА ЕТАКЧИ ҲИСОБЛАНАДИ. ИККИНЧИ ЎРИНДА "РИНОМАКС" АҚШ ДОЛЛАРИДА 18% ВА ҚАДОҚЛАРДА 12% ТЕГИШЛИ БОЗОР УЛУШИГА ЭГА. УЧИНЧИ ЎРИНДА "ФОРСИЛ" ДОРИ ВОСИТАСИ +15% ЎСИШ ВА БОЗОР УЛУШИ 30% АҚШ ДОЛЛАРИДА ҲАМДА 26% ҚАДОҚДА БЎЛГАН НИМЕСИЛДАН ИШОНЧЛИ УЛУШНИ ҚЎЛГА КИРИТМОҚДА.**

Эътиборли жиҳати шундаки, NIKA PHARMда 2024 йилда сотилган жами 49 та соябон бренди мавжуд. JURABEK LAB ва RADIKSда эса мос равишда 116 ва 147 та.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар орасида Вауан Medical ва Nova Pharm мос равишда +4 ва +17 рейтинг ўзгариши билан энг тез ўсишни кўрсатмоқда.

**Сотиш бўйича етакчи препаратлар**

Ўзбекистонда 2024 йилда дорихона савдоси ҳажми бўйича ТОП-20 дорихона брендлари 6-жадвалда келтирилган.

№	Соябонли бренд	2024			2023	
		USD улгуржи савдо суммаси	USD улгуржи савдо рейтингини	USD улгуржи савдо рейтингининг ўзгариши	USD улгуржи савдо суммаси	USD улгуржи савдо рейтингини
Умумий бозор		1 667 081 438			1 623 701 555	
1	НАТРИЙ ХЛОРИД	27 836 343	1	+1	20 980 673	2
2	L-ЛИЗИНА ЭСЦИНАТ	18 512 019	2	+6	11 521 426	8
3	ВИФЕРОН	14 799 266	3	+2	13 289 331	5
4	ЦЕФТРИАКСОН	12 954 177	4	-	14 293 314	4
5	КЮПЕН	12 824 150	5	+1	12 135 801	6
6	ИЗОТОНИК	12 650 202	6	+24	6 496 173	30
7	РИНОКСИЛ	12 557 853	7	-4	15 750 440	3
8	АМЛЕССА	10 722 297	8	+9	8 481 142	17
9	РЕОСОБИЛАКТ	10 252 485	9	+4	9 933 152	13
10	ГАЛАВИТ	9 772 340	10	+36	5 496 650	46
11	ГРАММИДИН	9 719 531	11	+42	4 857 485	53
12	БОЛНОЛ	9 624 575	12	+8	8 206 114	20
13	МАГНЕ В6	9 419 783	13	-1	10 448 262	12
14	ЭНТЕРОЖЕРМИНА	9 370 968	14	+7	8 131 654	21
15	ТАЙЛОЛФЕН ХОТ	9 344 563	15	-8	11 777 395	7
16	ТИВОРТИН	9 291 216	16	-5	10 616 650	11
17	КЛЕКСАН	9 224 470	17	+28	5 552 935	45
18	МЕТРОГИЛ	8 835 685	18	+19	6 064 203	37
19	ЦЕРЕБРОЛИЗИН	8 674 673	19	+7	7 240 725	26
20	НИМЕСИЛ	8 550 987	20	-11	11 090 101	9

6-жадвал

ТОП-20 бренднинг умумий улуши бозордаги умумий савдонинг 14,1% ни ташкил этади, бу ўтган йилга нисбатан 1,6% га кўп.

Етакчи ўринларга "Натрий хлорид" ва "L-лизин эссинат" қайтиб келди.

ТОП-20 га кирувчи соябон брендларининг аксарияти бозор ўсишидан сезиларли даражада юқори ўсишни кўрсатмоқда.

Шундай қилиб, Ўзбекистон фармацевтика бозори 2024 йилда сотиш ҳажмининг натурал кўринишда 13% га пасайишига қарамай, пул кўринишида 2,8% ўртача ўсишни кўрсатмоқда. Ушбу номутаносиблик истеъмолчилар талабининг қимматроқ дори воситалари томон силжиши билан боғлиқ бўлиб, бу дори воситасининг ўртача нархи 21,5% га ошгани билан тасдиқланади.

Мамлакатда фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёни ривожланмоқда, бироқ, юқорида таъкидлаганимиздек, унинг ўсиш суръатлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қўллаб-қувватланган кўрсаткичлардан пастлигича қолмоқда.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларининг улуши пулда 12% га, қадоқларда эса 40% га етди, бу эса маҳаллий компанияларнинг роли тобора ортиб бораётганидан далолат беради. Аммо импорт маҳсулотлари, айниқса инновацион ва ихтисослаштирилган дори воситалари сегментида устунлик қилишда давом этмоқда.

Ўзбекистон фармацевтика бозори анъанавий рецептли дори воситаларининг устунлигини сақлаб қолмоқда, улар пул кўринишида 68% ни ташкил этади. Терапевтик йўналишлар орасида овқат ҳазм қилиш ва моддалар алмашинуви касалликларини даволаш учун мўлжалланган препаратлар етакчи ўринни эгаллашда давом этмоқда – уларнинг улуши умумий бозор ҳажмининг 16,3% ни ташкил этади.

Ишлаб чиқарувчилар даражасида Словениянинг KRKA компанияси етакчиликни сақлаб қолмоқда, у сотувларнинг ишончли ўсишини (18,3%) намойиш этди. Шу билан бирга, World Medicine савдонинг 8,0% га пасайишига дуч келди.

Маҳаллий сегментда NIKA PHARM етакчи ўринни эгаллайди. У қадоқларнинг юқори ўртача нархи ва бренд дори воситаларига йўналтирилганлиги билан ажралиб туради.

Савдо концентрациясининг ўсиш тенденцияси давом этмоқда: энг яхши 20 та бренд умумий бозор ҳажмининг 14,1% ни ташкил этади. Бу кўрсаткич йирик иштирокчиларнинг мавқеи мустаҳкамланаётгани ва етакчи ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобат кучайиб бораётганини кўрсатади. Дори воситаларининг ўртача нархи ошиши истеъмол таркибидаги ўзгаришларни, шунингдек, нархлаш стратегияларини қайта кўриб чиқиш зарурлигини аңглатади.

Ҳозирги иқтисодий ва тузилмавий қийинчиликларга қарамай, бозор ўсиш салоҳиятини сақлаб қолмоқда. 2025 йилга мўлжалланган истиқболлар аллақачон ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнини, инновацион ва юқори технологияли дори воситаларига бўлган талабнинг ошишини ҳамда етакчи халқаро ва маҳаллий иштирокчилар мавқеининг мустаҳкамланишини назарда тутмоқда.

Барқарор ривожланишга эришиш учун кенг қамровли чора-тадбирлар зарур. Буларга нархларни назорат қилишни кучайтириш, фармацевтика ишлаб чиқаришига сармояларни жалб этиш, янги дори воситаларини ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш бўйича давлат ташаббусларини киритиш мумкин. Бу қадамлар нафақат бозорни барқарорлаштиради, балки унинг узок муддатли ўсиши ва ривожланиши учун ҳам қулай шарт-шароитлар яратади.

# РИНОКСИЛ®

Бурун битишидан калит!



12 соатли таъсир



Ментолли



Тенг тақсимлаш



Эвкалипт экстракти билан



қўллаш бўйича йўриқнома

## ШАМОЛЛАШ ВА ОРВИ

# Шамоллашда қандай қилиб тўғри маслаҳат бериш ва хато қилмаслик мумкин

ЎРВИ кўпчилик учун одатий мавсумий касалликдир. Аксарият ҳолларда у энгил шаклда кечади ва кўпчилик уни "оёқда" ўтказишни афзал кўради, ўз-ўзини даволаш умидида шифокорга боришни кечиктиради.

Марьям Суюнова

Бундай ҳолларда асосий аломатларни бартараф этиш зарурати биринчи ўринга чиқади:

- юқори тана ҳарорати,
- бурун битиши ва тумов,
- томоқда оғриқ ва қичишиш,
- йўтал,
- танадаги оғриқ.

Одатда, бемор шамоллашда камдан-кам ҳолларда шифокорга мурожаат қилади ва аҳолининг тезда энгиллашишига бўлган умидини айнан фармацевтга билдиради. Мижозлар иш қобилиятини тиклаш, ўзини яхши ҳис қилиш ва одатий ҳаёт тарзига қайтиш учун тезкор ёрдамга умид қилишади. Бироқ, харидорлар оқими шароитида провизор камдан-кам ҳолларда шикоятлар ва касаллик белгиларини батафсил аниқлаш имкониятига эга бўлади.

## Шамоллашни даволаш тамойиллари

Халқаро тавсияларда вирусга қарши носпецифик препаратлар ҳақида қарама-қарши маълумотлар мавжуд. Иммуномодуляторлар ҳақида ҳам шундай: маҳаллий экспертлар уларнинг самарадорлигини шубҳа остига олмоқда, хорижлик мутахассислар эса уларни алоҳида ҳолатларда потенциал хавфли деб ҳисобламоқда. Бироқ, асосий ёндашув ўзгаришсиз қолмоқда: шамоллаш ва гриппнинг асосий давоси симптоматик терапиядан иборат.

Бу универсал тамойил бўлиб, қуйидагиларга имкон беради:

- касалликнинг энгил шакллари энгиш,
- оғир кечганда беморга шифокорга мурожаат қилиш учун вақт бериш.

## ЎРВИ учун оптимал воситани танлаш

Битта фаол модда ёрдамида шамоллашнинг барча аломатларини бутунлай йўқотиб бўлмайди. Шифокорнинг вазифаси шикоятларнинг тўлиқ манзарасини аниқлаш ва тегишли

даволашни буюриш, фармацевтнинг вазифаси эса, агар мижоз касалликнинг энгил шаклида дори воситасини танлашда ёрдам сўраб мурожаат қилса, самарали ва асосли ечим таклиф қилишдир.

Россия терапевтлар илмий тиббиёт жамияти (РНМОТ) парацетамол, фенилефрин ва фенирамин малеатни ўз ичига олган комбинацияланган дориларни қўллашни тавсия этади. Ушбу компонентлар шамоллашнинг асосий белгиларига таъсир қилиб, бир-бирининг терапевтик таъсирини кучайтиради.

Қуқун шаклидаги комбинацияланган **"Риномакс Хот"** препарати ушбу талабларга тўлиқ жавоб беради.

- **Парацетамол:** иситмани пасайтиради, танадаги оғриқни энгиллаштиради, бу эса уни иситма билан ҳам, иситмасиз ҳам шамоллаш белгиларида тенгсиз қилади.

- **Фенилефрин:** бурун битишини бартараф этади ва шиллиқ қават шишини камайтиради.

- **Фенирамин:** бурундан ажралмани камайтиради ва нафас олишни энгиллаштиради.

## Нима учун айнан парацетамол?

Парацетамол қуйидагилар тўғрисида ЯҚНДВдан устун туради:

- қон ивишига таъсир қилмаслиги,
- ошқозон-ичак тракти томонидан ноҳуя таъсирларнинг минимал хавфи.

**"Риномакс Хот"** каби комбинацияланган препаратлар қўллаш бўйича кўрсатмаларга риоя қилинганда энг мақбул танловга айланади.

## Доза танлаш учун иккита асосий савол

**"Риномакс Хот"** таркибидаги парацетамол дозасини тўғри танлаш учун фармацевт мижозга иккита савол бериши кифоя:

1. Тана ҳарорати қанча?
2. Вазнингиз қанча?

Ушбу маълумотларга асосла-

КАТТАЛАР ВА 12 ЁШДАН ОШГАН БОЛАЛАРГА Қўллаш учун тавсиялар

1 та пакет таркибида қуйидагилар бор:	Қандай қабул қилинади
<p>Энгил ва меъёрада намой бўлган аломатларда</p>  <p>Парацетамол — 325 мг Фенилефрин гидрохлорид — 10 мг Хлорфенирамин малеат — 20 мг Аскорбин кислотаси — 50 мг</p>	<p>Ҳар 4-6 соатда, лекин 24 соат давомида 3 та халтачадан ошмаган миқдорда.</p>
<p>Меъёрада ва яққол намой бўлган аломатларда</p>  <p>Парацетамол — 500 мг Фенилефрин гидрохлорид — 10 мг Хлорфенирамин малеат — 4 мг</p>	<p>Ҳар 6 соатда, лекин 24 соат давомида 3 та пакетдан ошмаган миқдорда.</p>
<p>Кескин намой бўлган аломатларда</p>  <p>Парацетамол — 750 мг Фенилефрин гидрохлорид — 10 мг Аскорбин кислотаси — 60 мг</p>	<p>Ҳар 4-6 соатда, лекин 24 соат давомида 4 та халтачадан ошмаган миқдорда.</p>

ТАНА ҲАРОРАТИ КЎТАРИЛМАГАН ЁКИ 37,2°C ДАН ПАСТ БЎЛГАН БЕМОРЛАР УЧУН ОҒРИҚ ҚОЛДИРУВЧИ, ЯЛЛИГЛАНИШГА ҚАРШИ ВА ШИШНИ КАМАЙТИРУВЧИ ТАЪСИРГА ЭРИШИШ МАҚСАДИДА ПАРАЦЕТАМОЛ ТАРКИБИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИ Қўллаш тавсия этилади.

ниб, бош оғриғи, танадаги оғриқ ва иситмани самарали энгадиган оптимал бир марталик дозани тавсия қилиш мумкин. Препаратнинг қолган таркибий қисмлари шиш, бурун битиши ва тумовни бартараф этишга ёрдам беради.

Шундай қилиб, иккита оддий савол фармацевтга **"Риномакс Хот"** препаратлари қаторидан аниқ танловни амалга оширишга ва индивидуал ҳолатга мос келадиган тавсияни беришга ёрдам беради.

**"Риномакс Хот"**ни танлаш харидорга қисқа вақт ичида ҳаёт сифатини қайта тиклаш, фармацевтга эса мижозларнинг ишончи ва миннатдорчилигига сазовор бўлиш имконини беради.

**"Риномакс"** – шамоллашни назорат остида олинг.

# РиноМакс®

**ШАМОЛЛАШНИ НАЗОРАТ ОСТИГА ОЛИНГ!**



МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН



қўллаш бўйича  
йўриқнома

Адабиётлар:

Маргъинов А.И., Малявин А.Г., Журавлева М.В. и др. Консенсус экспертного совета РНМОТ «Улучшение результатов лечения инфекций дыхательных путей» // Профилактическая медицина. 2019;22(4).

## БОШ ОҒРИҒИ

# Бош оғриғи ва унинг келиб чиқиш сабаблари

Бош оғриғи (сефалгия) шунчаки ноқулайлик эмас, балки мураккаб кўп қиррали ҳодиса бўлиб, у ҳам мустақил касаллик, ҳам турли патологияларнинг белгиси бўлиши мумкин. Шунини тушуниш муҳимки, бош оғриғи ташхис эмас, балки организмнинг муаммо мавжудлиги ҳақидаги сигналидир. Бунинг қандай сабаблари бўлиши мумкин ва қандай дори-дармонларни танлаш керак?

Марьям Суюнова

Бош оғриғи жуда кўп турли касалликларнинг белгисидир. Баъзан уларни даволаш бутунлай қарама-қарши бўлиши мумкин (юқори қон босимида – антигипертензив воситалар, паст қон босимида – кофеинли препаратлар).

Инсулт, ўсма, жароҳат оқибатлари – буларнинг барчаси бош оғриғига сабаб бўлиши мумкин. Унинг сабабини аниқлаш муҳим. Ташхис қўйилгандан сўнг, шифокор тегишли ва хавфсиз даволашни тайинлайди.

## Бунинг қандай сабаблари бор?

Бош оғриғининг сабаблари турлича бўлиши мумкин ва улар шартли равишда бирламчи ва иккиламчига бўлинади:

**Бирламчи** бош оғриғи бошқа касалликлар билан боғлиқ бўлмаган оғриқлардир. Уларга қуйидагилар киради:

- **Мигрень** – пульсацияланувчи оғриқ билан характерланади, кўпинча бошнинг бир томонида бўлади. Мигреннинг муҳим хусусияти кўриш ёки сезги бузилишлари каби даракчилар (ауралар)нинг мавжудлигидир.

- **Зўриқиш** бош оғриғи жисмоний ёки ҳиссий зўриқиш билан боғлиқ энг кенг тарқалган шаклдир. Оғриқ одатда "ҳалқа" каби зирқираб, бутун бошни қамраб олади.

- **Кластер** бош оғриғи – кўпинча бир кўз атрофида жойлашган кучли, кескин оғриқ

**Иккиламчи** бош оғриғи бошқа касалликларнинг натижасидир. Уларга қуйидагилар кириши мумкин:

- **Ўсмалар, жароҳатлар ёки инфекциялар** туфайли келиб чиққан бош ичидаги босимнинг ортиши (интракраниал гипертензия).

- **Уч шохли нерв невралгияси**, бунда шу нерв яллиғланганда оғриқ пайдо бўлади.

- **Синуситда бош оғриғи** – бурун бўшлиқларининг яллиғланиши билан боғлиқ.

- **Қон томир касалликла-**

**рида** (масалан, гипертонияда) бош оғриғи.

## Дори воситаларининг турлари

Бош оғриғини даволаш унинг тури ва сабабига боғлиқ. Ёрдам бериши мумкин бўлган бир нечта дори турлари мавжуд:

### 1. Анальгетиклар:

- **Парацетамол** – енгил оғриқни қолдириш учун ишлатиладиган энг хавфсиз ва самарали дори воситаларидан биридир.

- **Ибупрофен** – оғриқ қолдирувчи ва яллиғланишга қарши таъсирга эга. Зўриқиш бош оғриғи ва мигренга яхши ёрдам беради.

### 2. Мигренга хос препаратлар:

- Триптанлар – мигрень хуружларини даволашда асосий восита ҳисобланади, улар серотонин ретсепторларини тўсиб, яллиғланишни камайтиради ва қон томирларини торайтиради.

- Эрготаминлар – камроқ қўлланилади, лекин мигрень касаллигида ҳам самарали бўлиши мумкин.

### 3. Зўриқиш бош оғриғига қарши препаратлар:

- Енгил оғриқ қолдирувчи ва миорелаксантлар, масалан, метокарбамол, бош оғриғини келтириб чиқарадиган мушак зўриқишида ёрдам беради.

### 4. Антигипертензив дори-лар:

– агар бош оғриғи юқори қон босими туфайли юзага келган бўлса, уни даволаш учун қон босимини пасайтирувчи дорилар қўлланилади.

### 5. Ностероид яллиғланишга қарши воситалар (НЯҚВ)

– бу оғриқ қолдирувчи, иситма туширувчи ва яллиғланишга қарши таъсирга эга бўлган дорилар синфидир.

Ушбу синф препаратларини батафсил кўриб чиқишни таклиф қиламиз. НЯҚВ бош оғриғини даволашда кенг қўлланилади, жумладан,

зўриқишдаги бош оғриғи, бўйин умуртқалари касалликлари билан боғлиқ сефалгия, оғриқ синдроми билан кечадиган юкумли касалликларда. Бу гуруҳ препаратларининг ўзига хос хусусиятлари ва чекловлари борлигини тушуниш муҳим, бу эса уларни қўллашда эҳтиёткорлик билан ёндашишни талаб қилади.

### НЯҚВнинг асосий вакиллари:

**1. Ибупрофен** – бу гуруҳдаги энг кўп ишлатиладиган препаратлардан бири. У оғриқ ва яллиғланишни тезда бартараф этади, қисқа муддат қўлланилганда нисбатан хавфсиз ножўя таъсирлар профилига эга.

**2. Нимесулид** – яллиғланишга қарши таъсири кучлироқ бўлиб, ўртача оғриқларни даволашда қўлланилади. У СОГ-2 нинг кўпроқ селектив ингибитори ҳисобланади, бу ошқозон-ичак трактига ножўя таъсирлар хавфини камайтиради.

**3. Диклофенак** – яллиғланиш жараёнлари натижасида келиб чиқадиган оғриқларда самарали, аммо узоқ муддат қўлланилганда ошқозон-ичак асоратлари хавфи юқори бўлиши мумкин.

**4. Мелоксикам** – айниқса ошқозон-ичак трактига нисбатан яхшиланган хавфсизлик профилига эга бўлган НЯҚВнинг замонавий вакили ҳисобланади. У яллиғланиш билан кечадиган касалликларда, масалан, остеоартритда қўлланилади.

### НЯҚВ гуруҳида парацетамол алоҳида ўрин тутати,

у ҳозирги вақтда яллиғланишга қарши эмас, балки асосан иситма туширувчи ва оғриқ қолдирувчи таъсирга эга дори сифатида кўриб чиқилмоқда. Парацетамол бош оғриғида самарали, аммо яллиғланишга сезиларли таъсир кўрсатмайди, бу эса уни яллиғланиш касалликларида қўллашни чеклайди.

**Ацетилсалитсил кислота (аспирин)** анъанавий равишда паст дозаларда тромб ҳосил бўлишининг олдини олиш учун,

юқори дозаларда эса оғриқ ва иситмани қолдириш учун қўлланилади. Бирок, ундан фойдаланиш, айниқса кексаларда, ошқозон токсиклиги ва бошқа ножўя таъсирлар хавфи туфайли чекланган.

Ностероид яллиғланишга қарши дориларнинг асосий афзаллиги турли хил бош оғриғи ва яллиғланиш натижасида келиб чиқадиган оғриқ синдромларини бартараф этишдаги самарадорлигидир. Бундан ташқари, кўпчилик дори воситаларини рецептсиз сотиб олиш имконияти уларни кенг доирадаги беморлар учун қулай қилади.

Таъкидлаш жоизки, айнан ибупрофен оғриқни тез бартараф этадиган, яхши қабул қилинадиган ва ножўя таъсирлар ривожланиш хавфи паст бўлган воситадир. Шу сабабли ЖССТ уни бош оғриғини даволашда биринчи қатор анальгетик сифатида тавсия этади.

**"Форсил Лайт"** препаратининг асосий таъсир этувчи моддаси ибупрофен ҳисобланади. Кучли оғриқ қолдирувчи ва яллиғланишга қарши таъсири туфайли у турли сабабларга кўра келиб чиқадиган бош оғриғини бартараф этиш учун кенг қўлланилади.

### Афзалликлари:

- Тез таъсир кўрсатиши

**"Форсил Лайт"** таркибидаги ибупрофен махсус фармацевтик шакли (суяқ таркибли капсулалар) туфайли қабул қилингандан 20-30 дақиқа ўтгач таъсир қила бошлайди. Бу, айниқса, ўткир оғриқ хуружларида, тезкор ёрдам зарур бўлганда жуда муҳимдир.

- **Узоқ муддатли оғриқсизлантириш**

Препарат 6-8 соат давомида сақланиб қоладиган барқарор таъсирни таъминлайди, бу эса қабул қилиш частотасини камайтириш ва беморнинг қулайлигини ошириш имконини беради.

- **Қулай қўллаш шакли**  
Капсулалар ихчам, осон ютилади ва йўлда, ишда ёки

**БОШ ОҒРИҒИ**

уйда ишлатиш учун мос келади. Махсус сақлаш шароитларини талаб қилмайди.

**• Самарадорлик ва хавфсизлик мувозанати**

"Форсил Лайт" таркибидаги ибупрофен кучли оғриқ қолдирувчи ва яллиғланишга қарши таъсирга эга бўлиб, кўпчилик беморлар томонидан, айниқса қисқа муддатли қўлланилганда, яхши қабул қилинади.

**• Маҳаллий ишлаб чиқариш – Европа стандартлари**

Препарат NIKА PHARM (Ўзбекистон) фармацевтика компанияси томонидан GMP халқаро сифат стандартларига мувофиқ ишлаб чиқарилади, бу ҳар бир капсула таркибининг барқарорлиги, самарадорлиги ва хавфсизлигини кафолатлайди.

**Қўллаш учун кўрсатмалар:**

- Зўриқишдаги бош оғриғи;
- Мигрень;

- Шамоллаш ва юқумли касалликлар фонидagi сефалгия;
- Бўйин умуртқалари патологиялари (масалан, остеохондроз) туфайли келиб чиққан оғриқлар;

- Жароҳатдан кейинги ва операциядан кейинги оғриқ синдромлари;
- Тана ҳароратининг кўтарилиши ва унга боғлиқ оғриқ ҳисси.

**Таъсир механизми:**

"Форсил Лайт" таркибига кирувчи ибупрофен яллиғланиш, оғриқ ва иситма медиаторлари - простагландинлар синтезида иштирок этувчи сиклооксигеназа (ЦОГ-1 ва ЦОГ-2) ферментларини ингибирлайди. Препарат уларнинг ишлаб чиқарилишини тўхтатиб, оғриқни самарали бартараф этади, яллиғланиш жараёнини камайтиради ва тана ҳарорати-

ни меъёрга келтиришга ёрдам беради.

**Дозалаш тартиби:**

- Катталар учун тавсия этилган доза – зарур бўлганда 400 мг (1 капсула).
- Максимал суткалик доза – 1200 мг (3 капсула).
- Препаратни овқатдан кейин, етарли миқдорда суюқлик билан ичиш лозим.
- Шифокор маслаҳатисиз кетма-кет 3 кундан ортиқ қўллаш мумкин эмас.

**Қуйидагиларни билиш муҳим:**

Ҳамёнбоплиги ва самарадорлигига қарамай, "Форсил Лайт" ҳали ҳам эътибор филиш керак бўлган дори воситасидир:

- Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги қўзиш босқичида, оғир буйрак ёки жигар етишмовчилигида

тавсия этилмайди.

- Ҳомиладорликнинг III триместрида қўллаш мумкин эмас.
- Сурункали касалликлар мавжуд бўлса, қўллашдан олдин шифокор билан маслаҳатлашиш тавсия этилади.

